

## ЖИНОЯТ ИШИНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ТОРТИШУВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Махмадиёрова Хумора Ўктамовна  
ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман суди  
судья ёрдамчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7115205>

Аннотация:

Ушбу мақолада жиноят ишини юритиш шакли, унинг мазмуни, таркиби, аҳамияти ҳақида сўз боради. Бугунги кунда жиноят-процессуал шаклни такомиллаштириш, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, биринчи инстанцияда, апелляция, кассация инстанцияларида иш юритиш тартибини замон талабларига мослаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Шунинг учун мақолада процессуал шаклларни дифференциациялаш ёки унификация қилиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинган. Шу билан бирга, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси орқали мазкур институтни ривожлантириш юзасидан асослантирилган таклифлар ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тортишув, унификация қилиш, дифференциациялаш, суриштирув, дастлабки тергов, терговга қадар текширув.

XX асрнинг 2-ярмида инсон ҳуқуқлари соҳасида ишлаб чиқилган халқаро конвенциялар, халқаро стандартларни давлатлар томонидан ўзларининг миллий қонунчилигига жорий этилиши жиноят ишларини юритиш борасида ҳам муносабатларнинг яқинлашувига олиб келди. Бу орқали континенталь ва романа-герман ҳуқуқ тизими, қоловерса мамлакатлардаги жиноят ишлари юритувига оид алоҳида институтлар ўртасида ҳам ўхшашликлар кучая бошлади. Шулардан бири бўлган, жиноят ишини судга қадар юритиш шакли жиноят процессининг алоҳида босқичи сифатида континентал (романа-герман) ҳуқуқ доктринасига хос феномен бўлиб, ҳозирги кунда Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар жиноят ишлари юритувида самарали ишлаб келмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жиноят ишини судга қадар юритишнинг ҳозирги замонавий шакли бундан салкам 200 йил олдин яратилган ҳамда Наполеон кодекси орқали вужудга келган классик француз концепцияси ҳисобланади. Унинг муҳим жиҳати шундаки, судга қадар иш юритиш жиноят процессининг мустақил ва

зарурий босқичи саналади ва бу даврда давлат айблови шакллантирилади. Англо-саксон моделда эса жиноят процессининг тортишув шакли амал қилади ва судга қадар иш юритиш мустақил босқич сифатида мавжуд бўлмайди.

Бугунги кунда юқоридаги икки судга қадар иш юритиш моделлари бир-биридан ижобий ютуқларни ўзлаштирган ҳолда такомиллашиб бормоқда. Баъзи манбаларда ҳаттоки англо-саксон моделнинг ижобий жиҳатлари ўрганилиб, давлатлар қонунчилигини кескин ўзгартирган ҳолда унга ўтиш бўйича ҳам бахс-мунозаралар бўлиб туради. Б. Я. Гаврилов эса зомонавий шаклдаги судга қадар иш юритиш жуда бюрократлашган ва харажатли эканлигини ўз тадқиқотида асослаб берган.

Жиноят-процессуал фаолиятнинг босқичларидан бири бўлган судга қадар иш юритиш содир этилган ёки содир этилишига тайёргарлик кўрилади жиноят ҳақида ариза, хабар келиб тушган пайтдан бошланадиган ва иш материалларини судга юбориш ёки ишни тугатиш билан тамомланадиган оммавий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуини ўзида акс эттиради. Жиноят ишини судга қадар юритиш давомида ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган барча тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар амалга оширилади ва одатда, якуни шахснинг айблилиги масаласи бўйича айблов ҳулосаси ёки далолатномаси тузилади. Шунингдек, судга қадар жиноят ишини юриштиришнинг чегараси жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, ЖПКнинг 3201-моддасига кўра, судга қадар иш юритиш жиноят ҳақида аризалар, хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади. Айнан шу норманинг ўзи жиноят ишини судга қадар юритиш ваколатли мансабдор шахслар томонидан олиб бориловчи, ўз ичига жиноятга оид бериладиган хабарларни ўрганиш, жиноят ишини қўзғатиш ва уни тергов қилиш жараёнини қамраб оловчи мураккаб тартиб-қоидалар тизими эканлигидан далолат беради.

Жиноят ишини судга қадар юритишнинг моҳияти процессуал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш орқали жиноят иши ҳолатларига дастлабки аниқлик киритиш, белгиланган процессуал шаклга риоя қилинган ҳолда далилларни қўлга киритиш, сақлаш ва якунида айблов ҳокимиятини амалга оширувчи прокурор томонидан уларни судга тақдим этилишини, шунингдек жиноят ишини судда қонуний ва асосли кўриб чиқишини таъминлашда намоён бўлади. Жиноят процесси мазкур босқичининг

мақсади жиноий таъқибни бошлаш учун асосларни аниқлаш ва ушбу таъқибни амалга ошириш, иш ҳолатларига аниқлик киритиш ва ишни судга юбориш учун зарур далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш, иш юритуида иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ёки жиноят ишини тугатишда кўзга ташланади. Терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки терговдаги фаолият ишни мазмунан кўриб чиқиб, қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришлари судларни зарур ва етарли далиллар мажмуи билан таъминлашга қаратилган. Иш бўйича сўнгги баҳо суд томонидан берилади.

Судга қадар иш юритиш процессуал қонунчиликда ўрнатилган тартибда ва муддатларда процесс иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган, жиноят ҳақида берилган хабарларни текшириш билан бошланадиган ва иш кўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш ёхуд ишни судга юбориш билан тамомланадиган фаолият ҳисобланади. Худди шундай таърифни Замонавий шаклдаги судга қадар иш юритишни далилларни олдиндан суд учун мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) ва айб эълон қилиниши мумкин бўлган шахсни аниқлашга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишини судга қадар юритиш иккита мустақил босқичларни ўз ичига олади: терговга қадар текширув ва тергов. Мазкур босқичлар ўзларининг вазифалари, иштирокчилар доираси, жиноят-процессуал муносабатлар хусусияти, амалга оширилувчи процессуал ҳаракатлар ва улар сўнггида қабул қилинадиган қарорлар турлари бўйича бир-биридан фарқланади. Терговга қадар текширув жиноят ҳақида келиб тушган аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни ўрганиб, кўрсатилган важларда жиноят юз берган ёки бермаганлигини белгилаб берса, тергов кўзғатилган жиноят иши бўйича иш ҳолатларига аниқлик киритиб, ҳақиқатни аниқлашга қаратилган бўлади. Суриштирув ва дастлабки тергов эса жиноят ишини тергов қилиш шакллари сифатида жиноят иши кўзғатилган вақтдан бошланади ва иш айблов хулосаси ёки далолатномаси билан судга юборилиши билан ниҳоясига етади.